



2022 й

й

БУЮРТМАЧИ:

Намangan вилоят ўсимликлар карантини ва химояси бошкармаси

Намangan вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошкармасига олинадиган мебелваофис жихозларини сотиб олиш буйича корхонани саралаш бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

**“Намangan вилоят ўсимликлар карантини ва химояси бошкармаси
2022**

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошкармасига олинадиган мебельва оғис жихозларини сотиб олиш бўйича корхонани саралаш бўйича

1.2. Танлов охирги қиймати – жами кўрсатилган хизмат учун 280 000 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якуплари бўйича голиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Наманган вилоят Учкургон тумани мактабгача таълим булими” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Наманган вилояти Янги Наманган тумани Саноатчи кучи 20 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов etender.uzex.uz сайтида электрон усулда “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги талаблар қуилади:

1. Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати.(ф-2)

2. Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот (ф-3).

3. Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.

4. Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот.

5. Молиявий курсаткичлари.

6. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича иш тажрибаси тўғрисида маълумот.

7. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот

8. Коррупциявий холатларни олдини олиш тугрисида ариза

9. Асбоб ускуналар тўғрисида танишганлик тугрисида маълумот.

10. Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисида маълумот

11. Солик ва бошқа мажбурий туловлардан карзи йўклиги ҳакида маълумот

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиши ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳакида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра рус ва ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

• Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳранган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тушишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси зълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

№ 1илова

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати

- 1.Ушбу танлов хужжатлариға кафолат хати.(ф-2)
- 2.Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот (ф-3).registr.stat.uz маълумоти
- 3.Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
- 4.Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот.
- 5.Молиявий курсаткичлари.
- 6.Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича иш тажрибаси тўғрисида маълумот.
- 7.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот
- 8.Коррупциявий холатларни олдини олиш тугрисида ариза
9. Асбоб ускуналар тўғрисида танишганлик тугрисида маълумот
- 10.Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисида маълумот
11. Солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи йуклиги хакида маълумот
- 12.Тижорий таклифларни баҳолаш (хизматлар нархи система томонидан)



**Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошкармаси учун олинадиган
мебел ва офис жихозлари рўйхати**

№	Мебел номи	Сони	Нархи	Суммаси
1	Иш столи бир тумбали	4	2 000 000	8 000 000
2	Под телефон	4	800 000	3 200 000
3	Офис мебели БУГАЛТЕР	3	6 000 000	18 000 000
4	Офис мебели ЭКАНОМ	1	8 000 000	8 000 000
5	Офис мебели ГРАНД	1	8 000 000	8 000 000
6	Буфетний Тумба	1	900 000	900 000
7	Рахбар иш столи ва под телефон	1	11 000 000	11 000 000
8	Мазлис столи	1	5 800 000	5 800 000
9	Китоб ва кийимлар учун шкаф	2	2 750 000	5 500 000
10	Спалний ва тумба	1	8 000 000	8 000 000
11	Шкаф	1	1 800 000	1 800 000
12	Буфутний Стол	1	1 400 000	1 400 000
13	Визитор стул Ёғочлик	8	3 600 000	28 800 000
14	Офис креслоси	20	1 600 000	32 000 000
15	Офис креслоси	1	3 900 000	3 900 000
16	Офис креслоси	1	12 000 000	12 000 000
17	Стул Сильвия	60	420 000	25 200 000
18	Эшик	2	3 800 000	7 600 000
19	Даборка	10 кв	600 000	6 000 000
20	Девор обшивка	кв	68 300 000	68 300 000
21	Шкаф Купе	1	7 000 000	7 000 000
22	диван	4	2 400 000	9 600 000
	ЖАМИ			280 000 000